# ,, Меҳнат қилган натижасини кўрсин".

Фермер хўжаликлари томонидан 6600 гектар майдонда ғалла парваришланмоқда. Фермерларимиз ,, Фарғона Дон" ва ,, Баҳромбек" кластерлари билан ғалла етиштириш бўйича шартнома имзолаганлар. Мавжуд майдонлардаги ғаллани тез ва соз ўриб йиғиб олиш мақсадида 19 та отряд ташкилланган. Даладан омборга дон ташиш учун 100 юк машиналари эгалари билан шартнома қилинган.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хонободдаги дон қабул қилиш шаҳобчасида дон ўрими мавсумига тайёргарлик, ўрим комбайнларнинг шайлиги, мавсумда ишловчиларга яратилган шароитлар бўйича ўрим отрядлари раҳбарлари, комбайн операторлари, ягона ташувчи вакили, дончилик кластерлари бошлиқлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари билан суҳбатлашди.

--Ғаллани етиштириш бир иш бўлса, уни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳам бир иш,--деди вилоят раҳбари.--Шартнома бўйича, кластерни донини топшириш билан бирга фермернинг ғалласини ўриб, омборига тўксин. Меҳнат қилган натижасини, албатта кўриш керак. Мана вилоятга 15 та янги комбайн олиб келиняпти. Техника ривожланяпти. ,, Ньюхолдинг" комбайинининг унумдорлиги жуда юқори экан. Йўқотиш(потерия)и 0.6 фоиз.

Вилоят ҳокими отряд аъзолари иш ҳақини ҳар ҳафта ҳисоб-китоб қилиш бўйича топшириқ берди. Дон ташилишини ички ишлар, иш ҳақи тўланишини прокуратура назорат қилади.

Вилоят ҳокими мутахассислар билан старт чизиғига териб қўйилган комбайнларни кўздан кечириб, зарур топшириқларни берди.

Мавсумни бешикаст ўтказиш, мўл-кўл ҳосил олишни ният қилиб, қуръон ўқилиб, дуолар қилинди. Аталиб жонлиқ сўйилди. Хирмонларимизнинг баракасини бераверсин!

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-29 17:26:26